



## LEGAL NATURE AND CRITERIA FOR DISTINGUISHING PROPERTY DAMAGE FROM FRAUD BY DECEPTION OR ABUSE OF CONFIDENCE

**Kerimbaev Raxat Paraxatovich**

Major, Senior Operative Officer of the Operational Search Service of  
the Nukus City Department of Internal Affairs  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621905>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> July 2026

Accepted: 24<sup>th</sup> July 2026

Online: 25<sup>th</sup> July 2026

### KEYWORDS

Property damage, fraud,  
deception, abuse of trust,  
encroachment on  
property, elements of a  
crime, qualification,  
judicial practice.

### ABSTRACT

*This article analyzes the legal nature of the crime of causing property damage through deception or abuse of trust, as provided for in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, and its objective and subjective characteristics. A comparative legal analysis is conducted on the criteria for distinguishing this composition from the crime of fraud established by the Criminal Code, including aspects such as the method of acquiring property, the completion of the crime, and the mechanism of illegal enrichment. Cases of incorrect qualification of these compositions and their causes are also considered in judicial practice.*

## ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ПРИЧИНЕНИЯ ИМУЩЕСТВЕННОГО ВРЕДА ПУТЕМ ОБМАНА ИЛИ ЗЛОПОДХОДА ОТ ДОВЕРИЯ И КРИТЕРИИ ЕГО ОТЛИЧИВАНИЯ ОТ МОШЕННИЧЕСТВА

**Керимбаев Рахат Парахатович**

Майор, старший оперуполномоченный  
Службы оперативного розыска УВД города Нукуса  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621905>

### ARTICLE INFO

Received: 14<sup>th</sup> July 2026

Accepted: 24<sup>th</sup> July 2026

Online: 25<sup>th</sup> July 2026

### KEYWORDS

Имущественный вред,  
мошенничество,  
обман,  
злоупотребление  
доверием,  
посягательство на  
имущество, состав  
преступления,  
квалификация,  
судебная практика.

### ABSTRACT

*В данной статье анализируется правовая природа преступления причинения имущественного вреда путем обмана или злоупотребления доверием, предусмотренного Уголовным кодексом Республики Узбекистан, а также его объективные и субъективные признаки. Проводится сравнительно-правовой анализ по таким аспектам, как критерии отличия данного состава от преступления мошенничества, установленного Уголовным кодексом, в том числе способ завладения имуществом, окончание преступления, механизм незаконного обогащения. Также в судебной практике рассматриваются случаи неправильной квалификации этих составов и их причины.*



**АЛДАШ ЁКИ ИШОНЧНИ СУИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН  
МУЛКИЙ ЗАРАР ЕТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИ  
ФИРИБГАРЛИҚДАН ФАРҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

**Керимбаев Рахат Парахатович**

Нукус шаҳар ИИБ ТҚХ катта тезкор вакили, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621905>

**ARTICLE INFO**

Received: 14<sup>th</sup> July 2026

Accepted: 24<sup>th</sup> July 2026

Online: 25<sup>th</sup> July 2026

**KEYWORDS**

Мулкий зарар,  
фирибгарлик, алдаш,  
ишончни суиистеъмол  
қилиш, мулкка  
тажовуз, жиноят  
таркиби,  
малакалаштириш, суд  
амалиёти.

**ABSTRACT**

*Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш жиноятининг ҳуқуқий табиати, унинг объектив ва субъектив белгилари таҳлил қилинади. Мазкур таркибнинг Жиноят кодексида белгиланган фирибгарлик жиноятидан фарқлаш мезонлари, шу жумладан мулкни қўлга киритиш усули, жиноятнинг тугалланиши, ғайриқонуний бойиш механизми каби жиҳатлар бўйича қиёсий-ҳуқуқий таҳлил ўтказилади. Шунингдек, суд амалиётида ушбу таркибларни нотўғри малакалаштириш ҳолатлари ва уларнинг сабаблари қўриб чиқилади.*

Бозор муносабатларининг ривожланиши, фуқаролик-ҳуқуқий муомаланинг кенгайиши билан бир қаторда мулкка нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг турлари ҳам мураккаблашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 10-11-боблари «Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш ва Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар» деб номланган бўлиб, унда мулкни ўғирлаш, талон-торож қилиш билан бир қаторда, мулкка бевосита эгалик қилмасдан туриб унга зарар етказувчи таркиблар ҳам мавжуд. Шулардан бири — Жиноят кодексининг 170-моддасида назарда

тутилган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш<sup>1</sup> жиноятидир. Амалиётда мазкур таркибни Жиноят кодексининг 168-моддасида назарда тутилган фирибгарлик жиноятдан ажратиш анча мураккаб масала ҳисобланади, чунки иккала таркибнинг объектив томони ҳам умумий белги — алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш — орқали тавсифланади. Айнан шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон Пленум қарорида судларга бу икки жиноятни бир-биридан фарқлаш зарурлиги алоҳида таъкидланган<sup>2</sup>. Мазкур мақоланинг

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 170-модда (Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкий зарар етказиш). — Тошкент: Адолат, 2023 й. таҳрири.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида», 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-3399888](http://lex.uz/uz/docs/-3399888).



мақсади — 170-модда таркибининг ҳуқуқий табиатини очиб бериш ҳамда уни фирибгарликдан фарқлашнинг илмий асосланган мезонларини таклиф этишдан иборат.

Жиноят кодексининг 170-моддасида назарда тутилган жиноятнинг ўзига хос жиҳати шундаки, айбдор шахс бегона мулкни бевосита ўзига олиб қўймайди ва унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлмайди. Аксинча, у қонунга ёки шартномага кўра мулкдорнинг эгалигига ёхуд тасарруфига ўтиши лозим бўлган товар-пул қийматликларини ўзлаштириб, шу ҳисобга бойийди<sup>3</sup>. Бошқача айтганда, мулккий зарар — бу мулк эгасининг мол-мулки камайиши эмас, балки унинг мулкдан олиши лозим бўлган даромад ёки фойданинг олинмай қолиши, яъни ижобий (позитив) зиённинг ўрнини босувчи «упущенная выгода» тарзидаги зарар кўринишида намоён бўлади.

Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда мазкур таркибнинг моҳиятини очиб беришда М.Х.Рустамбоевнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эга. Олим таъкидлашича, мулккий зарар етказиш жиноятининг объектив томони икки шаклда — мулкдорга тегишли бўлган моддий бойликларни ноқонуний равишда ўзлаштириб қолиш ёки уларни мулкдорга бериш мажбуриятдан бўйин товлаш орқали намоён бўлади<sup>4</sup>. Амалиётда бунга

мисол сифатида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устaxonаси ходимининг топшириқда кўрсатилмаган ишларни бажариб, мижоздан олинган ҳақни ўзлаштириши ёки вагон кузатувчисининг йўловчини чипта расмийлаштирмасдан ташиб, ундан олинган пулни ўзига қаратиши каби ҳолатларни келтириш мумкин<sup>5</sup>.

Шундай қилиб, мазкур жиноятнинг ҳуқуқий табиати мулк эгасининг иродасидан ташқарида, лекин унинг розилигисиз мулкдан келиб чиқиши лозим бўлган моддий манфаатнинг айбдор фойдасига йўналтирилишида ифодаланади. Бу эса уни оддий ўзлаштиришдан ҳам, фирибгарликдан ҳам фарқловчи ўзига хос белги ҳисобланади.

170-модда таркибининг объектив томони алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш усулларида бирини қўллаган ҳолда содир этилади. Бироқ, Олий суд Пленумининг тушунтиришига кўра, бу ерда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бевосита қўлга киритишга эмас, балки мулкдорга тўланиши лозим бўлган маблағни тўлашдан бўйин товлашга ёки уни яшириб қолишга қаратилган бўлади<sup>6</sup>.

Жиноятнинг субъектив томони тўғридан-тўғри қасд билан тавсифланади: айбдор ўз хатти-

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги 8-сон қарори «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида», 12-банд (2013 йил 31 майдаги таҳрирда). — [lex.uz/en/docs/-1615247](http://lex.uz/en/docs/-1615247).

<sup>4</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. Т.4. Махсус қисм. — Тошкент: ИLM-ZIYO, 2011. — Б. 11.

<sup>5</sup>Тошкент вилояти Адлия бошқармаси. Товламачилик ва фирибгарлик жиноятларининг тушунчаси ва уларнинг бир биридан фарқи. — [toshkent-vil.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=55245](http://toshkent-vil.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=55245).

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори, 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-3399888](http://lex.uz/uz/docs/-3399888).





ҳаракатининг ноқонунийлигини англайди, мулкдорга етказилаётган зарарнинг олдиндан кўра билади ва шундай натижани истайди. Ғаразли мақсад мазкур жиноятнинг мажбурий белгиси ҳисобланади. Жиноят субъекти — жиноий жавобгарлик ёшига етган, ақли расо жисмоний шахс, кўпинча эса ўз хизмат мавқеидан ёки шартномавий муносабатлардан фойдаланувчи шахс бўлади<sup>7</sup>.

Жиноят кодексининг 168-моддасида фирибгарлик *«алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки мулкий ҳуқуқини қўлга киритиш»* сифатида таърифланади<sup>8</sup>. Кўриниб турибдики, қонунчи ҳар икки таркибда ҳам бир хил усуллар — алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш — ни назарда тутган. Айнан шу ўхшашлик амалиётда малакалаштириш хатоларининг асосий сабабига айланади.

Юридик фанлар доктори Қ.Абдурасулованинг фикрича, фирибгарликнинг ўзига хос жиҳати шундаки, бу ерда жабрланувчи алданган ёки ишончи суиистеъмол қилинган ҳолда мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни ихтиёрий равишда айбдорга топширади<sup>9</sup>. Демак, фирибгарликда мулк жабрланувчининг иродаси орқали, гарчи бу ирода алдов натижасида шаклланган бўлса-да, айбдорнинг

эғалигига ёки тасарруфига ўтади. 170-моддада эса бундай ҳолат кузатилмайди — мулк ҳеч қачон жабрланувчининг эғалигидан айбдорнинг эғалигига ўтмайди, балки у бошидан айбдорнинг қўлида (тасарруфида) бўлиб, унинг мулкдорга бериш мажбурияти бажарилмай қолади.

Фарқлашнинг асосий мезонларини қуйидагича тизимлаштириш мумкин:

1) Мулкни қўлга киритиш усули бўйича. Фирибгарликда мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ жабрланувчи томонидан ихтиёрий равишда, ўз хоҳиши билан айбдорга берилади (топширилади). 170-моддада эса мулк айбдорга ихтиёрий равишда берилмайди — у қонуний асосда (масалан, шартнома, хизмат кўрсатиш муносабатлари орқали) айбдорнинг қўлида бўлиб, айбдор уни мулкдорга қайтариш ёки унинг ҳисобига ҳақ тўлаш ўрнига ўзлаштиради.

2) Жиноятнинг тугалланиши бўйича. Фирибгарлик мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ айбдорнинг ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эғалигига ўтган ва улар ундан хоҳлаганча фойдаланиш ёки тасарруф этиш имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилади.

3) Мулкнинг зарарнинг хусусияти бўйича. Фирибгарликда зарар — мулкнинг бевосита камайтиши (реал зарар) кўринишида бўлади. 170-

<sup>7</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги 8-сон қарори, 5–6-бандлар. — [lex.uz/en/docs/-1615247](http://lex.uz/en/docs/-1615247).

<sup>8</sup>Турғунбоев Э.О. Фирибгарлик жинояти тушунчаси ва жиноят-ҳуқуқий тавсифи // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and

social sciences. — Б. 1164–1170. — [oriens.uz/media/journalarticles/165\\_Turgunboyev\\_Eldorbek\\_Odiljonovich\\_1164-1170.pdf](http://oriens.uz/media/journalarticles/165_Turgunboyev_Eldorbek_Odiljonovich_1164-1170.pdf).

<sup>9</sup>Абдурасулова Қ. — қаранг: Турғунбоев Э.О. Кўрсатилган мақола, Б. 1165.



моддада эса зарар кўпинча “упущенная выгода”, яъни мулкдорга тегишли бўлган, лекин у олмай қолган даромад тарзида намоён бўлади.

4) Объект доираси бўйича. Фирибгарлик объекти сифатида нафақат мол-мулк, балки мулкка бўлган ҳуқуқ ҳам чиқиши мумкин. 170-модда бўйича эса, асосан, товар-пул қийматликлари ёки хизмат ҳақи назарда тугилади.

5) Малакалаштириш белгиловчи ҳужжатлар бўйича. Мулккий зарар етказиш кўпинча меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасида, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида содир этилади, фирибгарлик эса кўпроқ мустақил, шартномадан ташқари алдов ҳаракатлари орқали амалга оширилади.

Ушбу мезонлар Олий суд Пленумининг қарорларида ҳам ўз аксини топган. Хусусан, 2017 йилги 35-сон қарорда таъкидланишича, айбдор шахс ўзганинг мулкани бевосита олиб қўймасдан ва унга нисбатан ҳуқуққа эга бўлмасдан, қонунга ёки шартномага кўра мулкдор эгалигига ёки тасарруфига ўтиши лозим бўлган товар-пул қийматликларини ўзлаштиради ва улар ҳисобига бойийди<sup>10</sup>, бу эса юқорида кўрсатилган биринчи ва иккинчи мезонларни тасдиқлайди.

Шунингдек, Пленум қарорида банк ҳисоб рақамларига оид

фирибгарликнинг тугалланиш вақти алоҳида кўрсатилган — маблағлар мулкдор ҳисоб рақамидан айбдор ёки бошқа шахснинг ҳисоб рақамига ўтказилган пайтдан жиноят тугалланган деб топилади. Бундай аниқ мезонлар амалиётда жиноятни тўғри малакалаштиришга хизмат қилади.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, Жиноят кодексининг 170-моддасида назарда тутилган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулккий зарар етказиш жинояти ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра фирибгарликдан тубдан фарқ қилади. Агар фирибгарликда мулк жабрланувчининг ихтиёрий иродаси орқали айбдорнинг эгалигига ўтса, 170-модда бўйича мулк бошидан айбдорнинг қўлида бўлиб, унинг мулкдорга бериш мажбурияти бажарилмайди. Шу боис, амалиётда ушбу икки таркибни фарқлашда мулкни қўлга киритиш усули, жиноятнинг тугалланиш вақти, зарарнинг хусусияти ва тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатнинг мавжудлиги каби мезонларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Юқорида таклиф этилган мезонлар тизими терговчи, прокурор ва суд амалиётчиларига ушбу жиноятларни тўғри малакалаштиришда амалий ёрдам бериши мумкин.

## References:

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори, 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-3399888](http://lex.uz/uz/docs/-3399888).



1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, 170-модда (Алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан мулкый зарар етказиш). — Тошкент: Адолат, 2023 й. таҳрири.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида», 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-3399888](http://lex.uz/uz/docs/-3399888).
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги 8-сон қарори «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида», 12-банд (2013 йил 31 майдаги таҳрирда). — [lex.uz/en/docs/-1615247](http://lex.uz/en/docs/-1615247).
4. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 5 томли. Т.4. Махсус қисм. — Тошкент: ИLM-ZIYO, 2011. — Б. 11.
5. Тошкент вилояти Адлия бошқармаси. Товламачилик ва фирибгарлик жиноятларининг тушунчаси ва уларнинг бир биридан фарқи. — [toshkent-vil.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=55245](http://toshkent-vil.adliya.uz/uz/news/detail.php?ID=55245).
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори, 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-3399888](http://lex.uz/uz/docs/-3399888).
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 июлдаги 8-сон қарори, 5–6-бандлар. — [lex.uz/en/docs/-1615247](http://lex.uz/en/docs/-1615247).
8. Турғунбоев Э.О. Фирибгарлик жинояти тушунчаси ва жиноят-ҳуқуқий тавсифи // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. — Б. 1164–1170. — [oriens.uz/media/journalarticles/165\\_Turgunboyev\\_Eldorbek\\_Odiljonovich\\_1164-1170.pdf](http://oriens.uz/media/journalarticles/165_Turgunboyev_Eldorbek_Odiljonovich_1164-1170.pdf).
9. Абдурасулова Қ. — қаранг: Турғунбоев Э.О. Кўрсатилган мақола, Б. 1165.
10. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги 35-сон қарори, 13-банд. — [lex.uz/uz/docs/-339988](http://lex.uz/uz/docs/-339988)